

Малаул аъло ва васийла салавати



04:57 / 10.08.2025 951

?????????? ?????? ?????? ??????????? ???

?????????????????? ?? ?????? ?????? ??????????????? ???

????????????? ?????????? ?????? ?????????????? ??

???????????????????? ?? ?????? ?????? ??????????????? ???

?????????????????????? ?? ?????? ?????? ??????????????? ???

????????????????? ?????????????????? ?????? ?????????? ???????????

????????????? ?????????? ?????????????????? ??????????????????

?????????????????????? ?? ??????????????? ?? ??????????????????

Аллоҳумма солли ъала Муҳаммадин фил аввалийна ва солли ъала
Муҳаммадин фил ахирийна ва солли ъала Муҳаммадин фин набийийна ва
солли ъала Муҳаммадин фил мурсалийна ва солли ъала Муҳаммадин фил
малаил аъла ила явмиддийн. Аллоҳумма аъти Муҳаммаданил васийлата
вал фазийлата ваш шарофа вад дарожатал кабийрота!

Маъноси: Аллоҳим! Аввалгилар орасида ҳазрати Муҳаммадга раҳмат
ёғдир, кейингилар орасида ҳазрати Муҳаммадга раҳмат ёғдир, набий
(пайғамбар)лар орасида ҳазрати Муҳаммадга раҳмат ёғдир, мурсал элчи
расуллар орасида ҳазрати Муҳаммадга раҳмат ёғдир, малаул аълода энг
олий, шарафли зотлар орасида то қиёмат кунигача ҳазрати Муҳаммадга
раҳмат ёғдир! Аллоҳим! Ҳазрати Муҳаммадга васийла (жаннатдаги энг
олий мақом), фазилат, шараф ва улуғ даража ато қил! («Ал-адъийатул-
воридах», 64-с).

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий айтадилар:

«Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Васийла жан-натдаги энг
юксак бир мақомдирки, унга фақат бир киши эришади. Умид
қиламанки, ўша киши мен бўламан».**

Севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз амрларига
мувофиқ ул зотга васийла тилангани учун бу салавот ҳам жуда
савоблидир.

«Энг гўзал салавотлар» рисоласидан

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29
октябрь 03-07/6661-сонли хулосаси асосида чоп этилган.